



БАНКЛАРДА КРЕДИТЛАШ ИМКОНИАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАРАШЛАР

Гайбуллаев Рахим Муродович

ТДИУСФ профессори, и.ф.д. G-mail: rahimgaibullaev63@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодий адабиётларда олимларнинг тижорат банкларининг кредит портфели ҳақидаги назарий қарашлари ва таснифлари, банк кредит портфелининг сифатини баҳолаш ва уларни кўрсаткичлар, шакллар ва турлари бўйича таснифлаш орқали кредит портфелининг сифатини бошқариш усуллари ва мезонларини таҳлил қилиш ҳамда унинг методологиясини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: банклар, кредит, банк кредит портфели, банк кредит портфели сифатини бошқариш, баҳолаш, кредит риски.

Маълумки, тижорат банклари томонидан кредитлар орқали хизмат кўрсатганда, банк олган фоизлар фойданинг катта қисмини ташкил қилади. Бироқ, тижорат банклари кредит операциясини амалга оширганда, улар юқори рискларга эга бўладилар. Шунинг учун, таъкидлаш жоизки, кредит портфелини ва кредит рискинни бошқариш - банк фаолияти самарадорлигини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Кредит рискинни бошқариш усулларида бири бу кредит портфелини диверсификация қилишдир. Шундай экан, банк хизматлари истеъмол бозорида рақобатлашаётган тижорат банкларининг кредит сиёсатининг хусусиятларидан келиб чиқиб, банклар кредит портфели сифатини бошқаришга қаратилган мулоҳазалар бугунги кун учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш уларнинг кредит портфелининг қанчалик шакланганлигига ҳам боғлиқ. Тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини эса банк бошқарувида самарадорликка эришиб бориш белгилайди. Шунинг таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг кредит портфели тўғрисида иқтисодчи олимлар турлича фикр билдирадилар.

Портфел сўзига А.Б. Борисов "хўжалик, молиявий фаолият шакллари ва турлари, тегишли ҳужжатлар, маблағлар, буюртмалар, объектлар йиғиндиси" деб талқин беради[1]. Шу билан бирга, банклар томонидан берилган кредитлар жаъми ҳам портфел тушунчасига киради. Ўз навбатида, амалиётчилар кредит портфелини қарз олувчиларга берилган кредитларнинг, шу жумладан муаммоли кредитларнинг умумий тўплами сифатида ҳам тушунадилар[2]. Портфел сўзига ёндошув тўғрисида гапирадиган бўлсак, шунинг таъкидлаш керакки, бу кредит ташкилотининг рентабеллиги, ликвидлиги ва тўлов



қобилиятининг мақбул нисбатига эришишга интилиб, банк активлари ва мажбуриятларини сифатли бошқаришни англатади [3].

Кредит портфелини аниқлашда Ғарбий Европа иқтисодчи олимлари ёндошувлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига, шунингдек, кредит портфелини "даромадли активлар тўплами" деб тушунадиган Базел II келишувининг тавсияларига асосланади [4]. Ёки, америкалик иқтисодчи Д.М.Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади деб таърифлайди [5].

И.В. Ларионова ўз изланишларида кредит портфели тузилишининг ягона мезонини, яъни кредит рискинни кўриб чиққан бўлса, [6], О.И.Лаврушин, Н.И.Валенцев [7], М.З. Собиров [8] учта асосий мезонни ажратади: риск (кредит рисқи), рентабеллик ва ликвидлик.

Умуман олганда, риск, рентабеллик ва ликвидлик банк томонидан шакллантириладиган ҳар қандай активлар портфелининг муҳим белгиларидир. Шунинг учун уларнинг мазмуни унинг кредит портфели билан боғлиқ ҳолда аниқланиши керак.

Юқоридаги таърифлардан кўришиб турибдики, банкнинг "кредит портфели" атамасининг бир маъноли тушунчаси мавжуд эмас. Жисмоний ва юридик шахсларга кредитлар бериш орқали банк ўзининг кредит портфелини шакллантирар экан, бу портфелнинг таркиби унинг иштирокчилари учун ҳар хил эканлигига хулоса қилишимиз мумкин. Шундай экан, фикримизча, тижорат банкининг кредит портфели қарз олувчиларга (жисмоний ва юридик шахсларга) муддати, тўлови ва қайтарилиши шarti билан берилган кредитлар йиғиндисиدير.

Шунга кўра, таърифлашимиз мумкинки, кредит портфели бир неча таркибий қисмлардан иборат бўлиб, нафақат ҳажми, балки тузилиши билан ҳам тавсифланиши лозим. Бу бераётган таърифларимизга уйғун равишда иқтисодий адабиётларда тижорат банкининг кредит портфели концепциясини талқин қилиш ва унинг моҳиятини очишда мулоҳаза ва мунозараларда ҳам ўз аксини топган. Айниқса, О.И. Лаврушин ва Н.И. Валенцева иккита жиҳатни (категорик ва амалий) ажратади, бунинг асосида, уларнинг фикрига кўра, кредит портфелининг моҳиятини ўрганиш керак [7]. Амалий жиҳат кўпинча турли муаллифлар томонидан қўлланилади. Ундан келиб чиқиб, банкнинг кредит портфелининг ҳажмига эмас, балки унинг сифат таркибига ҳам эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган.

А.М. Тавасиевнинг таърифига кўра, агар кредит портфели "фақат кредитлар рўйхати эмас, балки маълум бир мезон бўйича тузилган тўплам бўлса, у ҳолда кредит портфели берилган кредитлар сифати ва кредит фаолиятига кўра ўзига хос тавсифга эга бўлади" [9].

Бу ўринда "сифат" кредит портфелини шакллантириш мақсадларига амалда эришишнинг тахминий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади ва бу Г.В.



Меняйло фикрича, "кредитлаш бўйича банк талабларига жавоб берадиган кредитлар мажмуидир" [10]. Ва бу кредит портфелидир.

Шундай қилиб, "кредит портфели" тушунчасини кўриб чиқишда "кредит портфели сифати" тушунчаси асосий ўринда туради, аммо бу ҳам аниқроқ талқин қилинмаяпти. Шу жиҳатдан, кредит портфелининг сифатини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин: бу бир томондан, мулк сифатида кредит портфелининг муҳим белгиси бўлса, иккинчи томондан эса, уни ҳар томонлама ижобий тавсифлаш имконияти сифатида. Шу ўринда профессор О.И. Лаврушин томонидан кредит портфели сифатининг энг муваффақиятли таърифи таклиф қилинган деб ҳисоблашимиз мумкин. Яъни, кредит портфелининг сифати таърифида у кредит рискининг мақбул даражаси ва баланс ликвидлиги билан максимал рентабеллик даражасини таъминлаш қобилиятига эга бўлишини тушунтиради. Ушбу таъриф кредит портфелининг асосий хусусиятлари сифатида кредит рисқи, ликвидлик ва рентабелликдир, деган тахминдан келиб чиқади, яъни кредит портфелининг сифатини баҳолаш мезонлари бўлиб кредит рисқи даражаси, рентабеллик ва кредит портфелининг ликвидлик даражаси ҳисобланади [11].

Ушбу таърифга кўра, кредит портфелининг сифатини бошқаришнинг асоси - бу сифатни доимий равишда баҳолаш ва таваккалчилик, ликвидлик ва рентабелликни бошқариш жараёнлари ягона тизим сифатида ишлайди. Бундай таъриф кредит портфелининг сифати фақат муаммоли активлар улушига қараб баҳоланиши кераклиги ҳақидаги стереотипик қарашни йўқ қилади, чунки кредит рисқи билан бир қаторда кредит портфелининг сифати ҳам ликвидлик ва рентабеллик даражалари билан баҳоланади. .

Кўриб турганингиздек, кредит портфелини бошқариш масаласида кредит портфели сифати тушунчаси биринчи ўринга чиқади. У ссуда қарзи таркибида индивидуал кредитларнинг улушини тавсифловчи мутлақ кўрсаткичлар (уларнинг турлари бўйича берилган кредитлар ҳажми ва муддати ўтган кредитлар ҳажми) ва нисбий кўрсаткичларни ўз ичига олган кўрсаткичлар тизими бўйича баҳоланади.

Кредит портфелининг сифатини баҳолаш жараёнида кредит ташкилотлари томонидан қўлланиладиган кўрсаткичлар асосан бозор муносабатлари билан белгиланади. Халқаро тажрибага мувофиқ, кредит портфелининг сифати махсус ишлаб чиқилган молиявий коэффицентлар тизими асосида баҳоланади. Одатда бундай кўрсаткичларнинг бешта гуруҳи қўлланилади:

- кредит портфели сифатининг умумий кўрсаткичи;
- банк кредит портфелининг рентабеллиги;
- кредит портфелини бошқариш сифати;
- таваккалчилик сиёсати;
- кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун банк захираларининг етарлилиги.



Шуни таъкидлаш зарурки, кредит портфелининг сифати - бу аллақачон берилган кредитлар асосида тузилган ҳақиқий баҳолашдир ва шунинг учун кредит портфелининг таркибини кредит сифати тоифалари бўйича билиш ва муаммоли, муддати ўтган ва шубҳали кредитларнинг ўртача фоизини аниқлашда банк ҳар бир тоифадаги кредитлар бўйича банк кредит операциялари бўйича йўқотишларни камайтиришга қаратилган рискларни бошқариш тизимини ўрнатади [3]. Ушбу ёндошишлар рискларни бошқариш ва кредит портфелининг сифатини баҳолаш ўртасидаги бевосита боғлиқликни кўрсатади.

Айрим муаллифларнинг фикрича, кредит портфелини бошқариш кредит рискин бошқариш тизимининг бир қисмидир. Бизнинг фикримизча, кредит портфелини бошқариш тизими ва кредит рискин бошқариш тизими бирига тенг равишда боғланган иккита тизимдир. Кредит портфелини бошқаришда банкнинг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит портфелини шакллантиришнинг асосий талаби - портфел мувозанатли бўлиши, яъни айрим кредитлар бўйича ортиб бораётган риск бошқа кредитларнинг ишончлилиги ва рентабеллиги билан қопланиши керак, бу кредит портфелини бошқариш ва кредит рискин бошқариш ўртасидаги асосий бўғиндир. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини яққол намоён бўлиши шундаки, жами кредит риски ҳажми кредит портфелини тизимлаштириш ва сифатини таҳлил қилишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Банклар ўз активлари ва кредит портфели сифатини ошириш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш борасида кредитлар бўйича таваккалчиликларни ўз вақтида аниқлаш, сифатли баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган замонавий ахборот технологияларига асосланган интеграциялашган риск менежмент тизимини қўллаш каби қатор илғор банк бошқаруви усуллари амалиётга кенгроқ жорий этишлари тақоза этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Борисов А.Б. Большой экономический словарь / А.Б. Борисов. - М.: Книжный Мир, 2007. - 860 с.
2. Бухтин М.А. Методы оценки показателей кредитного риска / М.А. Бухтин // Оперативное управление и стратегический менеджмент в коммерческом банке. - 2005. - №2. - С.70-91.
3. Илясов С.М., Гаджиев Л.Г. Кредит портфелининг сифати ва кредит рисклари // Банк иши. - 2008. - Но 3. - С. 80-85.
4. Credit Risk Modelling: Current Practices and Applications. Basel Committee on Bank Supervision, 1999. - P.10.



5. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.- ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 2001.-с.75
6. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. М., 2003.
7. Банковские риски: учеб. пособие / коллектив авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина и д-ра экон. наук, проф. Н.И. Валенцевой. М., 2007.
8. Сабилов М.З. Кредитный портфель коммерческого банка: дис. канд.экон. наук. М., 2002.
9. Банковское дело: управление и технологии: учеб. / под ред. проф. А.М. Тавасиева. М., 2005.
10. Меняйло Г.В. Сущность и классификация кредитного портфеля коммерческого банка // Вестник ВГУ. 2005. № 2.
11. Банк рисклари: дарслик /О.И. Лаврушина, Н.И. Валентсева - М.: КНОРУС, 2008. - 232 п.